



LEGAL FOUNDATIONS AND PRIORITIES OF THE FOREIGN POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

K. O. Tashev

independent researcher

University of World Economy and Diplomacy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: foreign policy, concept, doctrine, declaration, strategy, tourism, investment, export, citizen.

Received: 18.03.25

Accepted: 20.03.25

Published: 22.03.25

Abstract: The article reveals the legal foundations and priorities of the foreign policy of the Republic of Uzbekistan. In particular, a retrospective analysis of documents adopted from the years of independence to the present day is provided.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

К. О. Ташев

мустақил тадқиқотчи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ташқи сиёсат, концепция, доктрина, декларация, стратегия, туризм, инвестиция, экспорт, ватандош.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва устувор йўналишлари очиқ берилган. Жумладан, мустақиллик йилларидан бугунги кунга қадар қабул қилинган ҳужжатлар ретроспектив таҳлил қилинган.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И ПРИОРИТЕТЫ ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

К. О. Ташев

независимый исследователь

Университет мировой экономики и дипломатии

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: внешняя политика, концепция, доктрина, декларация, стратегия, туризм, инвестиции, экспорт, соотечественник.

Аннотация: В статье раскрываются правовые основы и приоритеты внешней политики Республики Узбекистан. В частности, ретроспективно проанализированы документы, принятые с лет независимости по настоящее время.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳар томонлама миллий манфаатларга асосланган ўз ташқи сиёсатини олиб бормоқда. Ўтган давр ичида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан тинчлик ва барқарорлик, дўстликка асосланган дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Жаҳонда ўз нуфузини ошириш, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиш борасида кўплаб амалий ишлар олиб борилди. Айниқса, Ўзбекистоннинг тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсати унинг халқаро майдонда мустақил давлат сифатида эътироф этилишини таъминлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси дунёнинг 142 та давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Тошкентда 46 та чет эл элчихоналари, 3 та бош консуллик, 13 нафар фахрий консуллар, 24 та халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, 26 та хорижий халқаро ҳукуматлараро ва ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, 1 та савдо ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, экологик муаммолар, шунингдек, Орол хавфзасидаги вазиятни яхшилаш, минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, минтақада транспорт-коммуникация тармоғини такомиллаштириш ҳамда Марказий Осиёни ядросиз ҳудудга айлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг норматив асосларини яратишга бўлган саъй-ҳаракатлар мустақиллик эълон қилинишидан аввалги даврларда кузатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 20 июнда СССР республикалари ичида биринчилардан бўлиб “Мустақиллик декларацияси”ни қабул қилди. Мазкур ҳужжатнинг тарихий аҳамияти унинг Ўзбекистонни тинч йўл билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритгани билан изоҳланади. Унга кўра, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланиб, давлат бошқарувида ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ва фаровон ҳаётни таъминлашни олий мақсад сифатида ўз зиммасига олди.

1991 йил 31 август куни Мустақиллик декларацияси асосида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон мустақил, ички ва ташқи сиёсатда суверен давлат эканлигини мустаҳкамлади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва халқаро алоқалари унинг Конституциясида белгилаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади”.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини тартибга солувчи навбатдаги ҳужжат 2012 йил 10 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Ташқи сиёсий фаолият концепцияси” қабул қилинди. Мазкур концепция узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, миллий хавфсизликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат қуриш йўлидаги изчил ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

Концепцияда Ўзбекистон барча давлатлар, нуфузли ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги, ўзаро манфаатдорлик негизида ўзаро ишонч, тенглик ва бир-бирини ҳурмат қилиш қоидалари қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ёритилган яна бир муҳим ҳужжат 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Фармони имзоланди. Фармонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган.

Стратегиясининг бешинчи йўналиши Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш соҳасидаги устувор йўналишлар ҳисобланади. Бугунги кунда бу ҳужжат ташқи сиёсий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларидан бири бўлиб хизмат қилди ва бунга кўра мамлакатимиз ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида барча хорижий мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан самарали ҳамкорликни халқимиз ва юртимиз манфаатларидан келиб чиқиб, очик, дўстона ва прагматик тамойилларга асосланган ҳолда олиб бормоқда.

Сўнгги йиллар Ўзбекистон ташқи сиёсатида туб ислохотлар амалга оширилди. Хорижий мамлакатлар ташқи сиёсатида кузатилаётгани каби Ўзбекистон ташқи сиёсати

ички муаммоларни ечишга, аввало иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилди. Бу борада барча куч ва воситалар сафарбар этилди.

Ўзбекистондаги тинчлик ва сиёсий барқарорликка мамлакатда сақланиб қолаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Булар аввало ёшлар орасида ишсизлик, инфратизилма объектларининг етарли даражада ривожланмагани, энергетика соҳасидаги муаммолар, ишлаб чиқариш саноати суст ривожлангани, давлат ҳокимият идораларида коррупция ҳолати ва бошқалар.

Мазкур муаммоларни ечишда бундан буён нафақат мамлакатимиздаги ваколатли идоралар, балки Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик идора вакиллари ҳам масъул этиб белгиланди. Шу мақсадда 2018 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишда Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсати ҳақида фикр юритиб, бир қатор фикр-мулоҳаза ва таклифларни илгари сурди. Мазкур йиғилишда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан нисбатан суст ривожланаётган ҳудудларига Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик идораларини бириктириб қўйиш амалиёти таклиф этилди.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни самарали ечиш, бу борадаги вазиятни яхшилаш мақсадида дипломатик идоралари фаолиятида қуйидаги вазифалар устувор этиб белгиланди.

1. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилиш.

2. Мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш.

3. Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимини кенгайтириш.

4. Хориждаги фуқароларимиз ва ватандошларимиз билан тизимли ишлаш.

Мазкур вазифалар бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик идоралари фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, 2018 йил 9 январдаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасига мувофиқ, мамлакатимиз ҳарбий блокларда иштирок этмаслиги мустаҳкамланди ва бу тўғрисида бир неча бор баёнот берилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга. Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислохотлар муваффақиятли бормоқда, миллий армиянинг ҳарбий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда.

2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва долзарб масалалар акс эттирилган бўлиб, у ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми сифатида намоён бўлди. Тараққиёт стратегиясининг 7-йўналиши Ўзбекистон хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш масалаларига бағишланади. Мазкур йўналишда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш, Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш, анъанавий ҳамкорлар билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш, Ўзбекистоннинг БМТ органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш, ЖСТга аъзо бўлиш ва ЕИИ билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш каби вазифалар қайд этилган.

Шу билан бирга, 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ташкилий-ҳуқуқий асослари борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сонли “Ўзбекистон-2030” стратегияси Фармони қабул қилинди. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 5.1-бандига асосан очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш бўйича ислохотлар доирасида яқин истиқболда Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ ва давлатнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга ошириш, Марказий Осиё минтақасида амалий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, анъанавий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларига қўшилиш, ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш, хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот тизимини жорий этиш ҳамда ташқи меҳнат миграцияси тизимини такомиллаштириш, хорижда меҳнат фаолиятини юритаётган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш каби масалалар мустаҳкамланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналишлар борасида Ўзбекистон Республикаси “Ташқи сиёсий фаолият концепцияси”да атрофлича тўхталиб

ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Ташқи сиёсий фаолият концепцияси”га кўра, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида Марказий Осиё минтақаси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Европанинг етакчи давлатлари, Осиё-Тинч океани минтақаси, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Лотин Америкасининг ҳамда Кариб денгизи минтақасидаги етакчи давлатлар ва Африка қитъасидаги мамлакатлар, шунингдек, ШХТ, МДХ, ИХТ, ЕХХТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар таъкидлаб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатида кўшни мамлакатлар омили 2012 йилдан сўнг долзарб аҳамият касб эта бошлади. Кўшни мамлакатлар билан узоқ вақт давомида чегара, транспорт, сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида муаммоли ҳолатлар мавжуд эди. 2016 йилдан сўнг мазкур жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда яхлит ташқи сиёсат доктринаси шакллантирилди. Унда Марказий Осиё минтақаси устуворлиги мустаҳкамланди ва кўшнилар билан ҳеч қандай муаммо бўлмаслигига эришиш мақсад қилинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати унинг Конституцияси, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари, шунингдек, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси, Ҳаракатлар стратегияси, Мудофаа доктринаси, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси каби ҳужжатларга асосланади.

Ташқи сиёсатда устувор мамлакатлар сифатида Ўзбекистонга кўшни давлатлар, МДХ, Европа Иттифоқи, Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлар, шунингдек, экспорт, туризм, инвестиция (иқтисодий дипломатия) ва ватандошлар устувор йўналишлар сифатида қайд этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати // Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги веб сайти <https://mfa.uz/uz/pages/vneshnaya-politika>
2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси. <https://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/78/3169/>
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил 1 май // Қонун ҳужжатлари миллий базаси
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий веб сайти. <https://parliament.gov.uz/uz/search/index>. 14.01.2013 й.
5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-

сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. lex.uz/docs/3107036. 07.02.2017

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиғилишдаги нутқи // Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати. 12.01.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/1423>

7. “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 9 январдаги 458-сонли қонуни // Ўзбекистон қонунчилик миллий базаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони “Ўзбекистон-2030” стратегияси // Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик базаси

10. Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси”. 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-330-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни